

Жамолиддин ОРЗУҚУЛОВ

# РАЙХОН

Шеърлар

Тошкент  
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти  
2006


84(53)6-5

Самимиятга йўғрилган шеър кўнгил  
ғалаёнларини оҳанглар мулкига муҳрлайди. Ёш  
ижодкор Жамолиддин Орзиқуловнинг ушбу  
«Райҳон» шеърый китобидаги шеърларда ана шу  
самимият устиворлик қилади.

Нашр учун масъул: А. Ирисбоев

54353

10 091



(С) Ж. Орзиқулов, «РАЙҲОН» шеърлар, 32 бет,  
Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006 йил.



Орзиқулов Жамоліддин Раҳимқул ўғли 1985 йил Қосон тумани Пўлати қишлоғида туғилган. Ҳозир Қарши ДУ тарих ва ўзбек филологияси факультетининг III курс талабаси. Шеърлари вақтли матбуотда чоп этилган.

### БАЙРОҚ

Гўзал ҳилол, ўн икки юлдуз,  
Оқ кўз, қизил, яшил буёғи.  
Ҳилпирайди бошимда ҳур,  
Ўзбекистон, юртим байроғи.

Унда аён бутун тарих,  
Аждодлар анъанаси.  
Байроғимиз- эркимизнинг  
Жаҳон аро тантанаси.



Шарқу Фарбу, Шимол, Жануб,  
Билар бугун байроғимдан.  
Асрагайдир шон-шуҳратин,  
Халқим кўзи қароғида.

### **АМИР ТЕМУР**

Бир воҳа бор оламда машхур,  
Қашқадарё дея ном олган.  
Ўғлонлари алп, қизлари зебо,  
Жаҳон узра доврўғлар солган.

Дехлавий, ҳам Бедил ижоди,  
Маълум ахир дунё элига.  
Туркий халқим танитди Темур,  
Адолатни тутиб қўлига.

Ўз халқига ҳурлик келтирди,  
Зарба бериб босқин мўғулга.  
Ўзбек халқи ғурури юксак,  
Эга учун шундай ўғилга.





## ОҚСАРОЙ

Қадим Кешда нурин таратиб,  
Курилган бу улкан иморат.  
Яратувчи халқ санъатидан,  
Ва меҳридан эрур иборат.

Буюк Амир буйруғи билан,  
Барпо бўлган гўзал Оқсарой.  
Кўҳна Кешда нурин таратиб,  
Оламаро таратар чирой.

Асрнинг урҳо-урҳоси,  
Қоқ иккига қўйса ҳам бўлиб.  
Ҳамон гўзал, мағрур қад тутиб,  
Эзгуликни олқишлар кулиб.

Истиқлолга эришдик яна,  
Соҳибқирон келди ёнига.  
Ҳар иккиси бугун бир жойда,  
Мадат берар қиз-ўғлонига.



## ОТАМНИ АСРА

Ҳамиша бошимни силамас ҳаёт,  
Гоҳо кўз ёши-ю, гоҳо дилим шод.  
Дилимда биргина илтижо фарёд,  
Эй, Оллоҳим фақат отамни асра!

Дардларини аритган асра жонини,  
Кўрмайин озорлар чеккан танини.  
Доимо пок тутган ўз имонини,  
Эй, Оллоҳим фақат отамни асра!

Отамга ато эт, бергин шифони,  
Гуноҳи бор бўлса менга бер жафони.  
Шу зотдан кўрганман меҳру вафони,  
Эй, Оллоҳим фақат отамни асра!

Ўзинг яратгувчи, ўзинг олувчи,  
Меҳрим ҳам, қаҳрим ҳам сенсан билгувчи.  
Гуноҳлардан кечиб шафқат қилгувчи,  
Оллоҳим, асрагин азиз отамни!

Меҳри муҳаббати юрагимда жо,  
Бирон хизматини этмадим бажо.  
Бор умид сендандир, сенга илтижо,  
Оллоҳим, асрагин азиз отамни!





## САВОЛ - ЖАВОБ

*Махтумқулига ўхшатма*

- У нимадир одам сира тўймайди,  
Нимадир юраклар кетади тўлиб.  
У нима бошлайди сени кулфатга,  
Нимадир синмасу қолар эгилиб?
- Мехр бўлар одамлар сира тўймайди,  
Аламдан юраклар кетади тўлиб.  
Ёмон сўз бошлайди азоб, кулфатга,  
Ҳақиқат синмайди қолар эгилиб.
- Нима бўлар оғзин очмай тўймаган,  
У нимадир бўлмас асло қутилиб.  
Нимадир у тошга нақш ўйилган,  
Нима бўлар тандан қочган ситилиб?
- Қора ердир оғзи ёпиқ тўймайди,  
Тақдирингдан кетолмассан қутилиб.  
Билим эрур тошга нақш ўйилган,  
Жонинг бўлар тандан қочган ситилиб.
- Нима бўлар икки бора берилмас,  
Нимадир ҳамиша оёқ остида,  
У нимадир юрак-бағринг ўртаган,  
Қайси сўзни айтсанг ёқмас ростида?
- Ҳаёт деган икки марта берилмас,  
Фалокат ҳар қачон оёқ остида.  
Ишқ-муҳаббат юрак-бағринг ўртайди,  
Ўлим сўзи айтмас айтсанг ростида.





Муҳаббат кўнгил тўлиб бир кулмади,  
Бир сўз айтай хафа бўлиб жоним сенга.  
Азоб бермоқликни коринг мен билмадим,  
Тақдир нечун учраштирди сени менга?!

Айбим недир ахир сени суйганимми,  
Ишқ дардида юрак-бағрим ўйганимми.  
Ё, ҳажрингда висол истаб куйганимми,  
Билмам қисмат учраштирди нега сенга?!

Бу оламда ҳақиқатни билмадим мен,  
Муҳаббат деб изларингдан қолмадим мен.  
Лек висолнинг қувончидан кулмадим мен,  
Қисмат нечун дучор этди сени менга?!

Севган мену атроф тўла бунча ғаним,  
Ҳатто туққан англамайди дардим маним.  
Шукур дейман, севмасанг ҳам, бор суйганим,  
Айрилиқ-чун учраштирди сени менга?!







## АЛАМ

Вужудимни босмоқдадир тунги зулмат,  
Зулмат аро титраб ўзим қотиб қолдим.  
Алмаштириб роҳатимни аламларга,  
Ўзимга кўп азобларни сотиб олдим.

Кўча-қуйга яйраб кўнгил очолмайман,  
Ўйларингдан ҳеч сорига қочолмайман.  
Юрагимда қувонч эмас ситам қолди,  
Наҳот суйиб, суйиклигим қучолмайман.

Соғинчлардан ҳолим ёмон сезаман мен,  
Бемақсад, бемурод ҳар ён кезаман мен.  
Васли ишқсиз шод бўлмагай кўнглим сира,  
Ўз-ўзимни ҳижрон билан эзаман мен:

Қандоқ қилай ғамсиз яшаб турганим йўқ,  
Кенг оламда ором, роҳат кўрганим йўқ.  
Олов қилиб ёқай десам юрагимни,  
Ғам селидан ўчиб қолган бор зарра чўғ.





## ШАМОЛ

Увиллайди бетиним шамол,  
Қайтармоқчи йўлимни тўсиб.  
Шошиламан уйимга томон,  
Бораётир эгим увишиб.

Қолаяпти ортида автобус,  
Сени олиб кетаяпти у.  
Шамолдан-да шиддаткор бир ҳис,  
Юрагимда йиғлар ишқ туйғу.

Бир амаллаб хонамга киргач,  
Бўшлиқ мени бағрига олар.  
Шамол эса сени айириб,  
Менга қарши томонга елар.



Кутаяпман севганимни мен зор булиб,  
Ҳижронлардан жон чеккани озор бўлиб.  
Ҳеч бўлмаса узун сочлар боғлаб осса,  
Танда жоним оладиган бир дор бўлиб.

Висол истаб юраккинам шод бўлмади,  
Мен кутамаман лек севганим бир келмади.  
Ишқ риштасин узай дедим узилмади,  
Қолаяпман, ёр йўлида мен хор бўлиб.

Йўқ хор эмас, бор бўламан, ор бўламан,  
Азобларга бу оламни тор қиламан.  
Мен ҳам бир кун изларимга зор қиламан,  
Айрилиқнинг ғамин енггум бир нор бўлиб.





## ТҮРТЛИКЛАР

Бошимга не бор? Топганим дилдан,  
Бағрим қон ишқдаги тиконли гулдан.  
Ҳар не кулфатларни енга оларман,  
Тақдир айирмаса бўлди шу элдан.

\* \* \*

Қаҳратон қишимни баҳорлар айлаб,  
Қалбимга ишқингни мустаҳкам жойлаб.  
Аввал ишонтирдинг ширин висолга,  
Сўнг сўнгсиз ҳижронга кетдинг-а тайлаб.

\* \* \*

Тилимга боғладим яхши ёмонни,  
Дилимга боришни сақлай билмадим.  
Шу боис гоҳ шодлик, гоҳида ғамдир,  
Хатоим ўзимни англай олмадим.

\* \* \*

Ким чидайди айрилиқнинг азобига,  
Қуёшин йўқотиб ойнанинг юзи доғ.  
Сен менинг ҳолимдан кулмагин ҳаргиз,  
Хастанинг дардини билмагайдир соғ.





## ХАСАДДАН ТҮЙДИМ

Кўнглимни очайин юролмайман жим,  
Дил дардин пинҳона сақлай олур ким?!  
Ҳатто англамайди суйган севгилим,  
Ҳаётдан тўймадим, ҳасаддан тўйдим.

Гуноҳим кўкдаги юлдузни суйдим,  
Бу ишқ оташида ўртандим, куйдим.  
Ҳали уйланмасдан ғамлардан тўйдим,  
Ҳаётдан тўймадим, ҳасаддан тўйдим.

Дўст деб сиғинганим душманлик қилар,  
Душманим қаҳ-қаҳлаб ҳолимдан кулар.  
Ошиқ Жамол бошин қай банда силар,  
Ҳаётдан тўймадим, ҳасаддан тўйдим.

Отам дуо қилиб бошимни силар,  
Онам куну-тунда бахтимни тилар.  
Кўксимга ҳижронлар ўқдек тикилар,  
Ҳаётдан тўймадим, ҳасаддан тўйдим.



## ТУШ

(Тушдаги илон ва малика)

Тушимда оқ илон келиб ёнимга,  
Қўлимга тутқазди ёқут кўз узук.  
Кейин тез йўқолиб кўз ўнгидан,  
Бир сулув кўринди, кўзлари сузук.

Ўшармиш ул сулув шоҳлар қизига,  
Мен томон келармиш оҳиста юриб.  
Юрагимда ваҳм - кўзларим тинар,  
Ул париваш гўзал санамни кўриб.

Келди-ю сўради ёқут узугин,  
Узукни тутқаздим шу дам қўлига.  
Узугин қўлига тақиб жилмайиб,  
Орқасига қайтиб-тушди йўлига.

Дам ўтмай лашкарлар ўради мени,  
Қўлим боғлаб элтдилар шоҳ саробига.  
Саройда маҳкамлаб кўзим боғичлаб,  
Сўнг элтиб ташлади онам пойига.

Боғични ечдилар кўзларим очсам,  
Кўз ўнгимда ўшал гўзал сўзлигим.  
Сўрдим мағрурликда айбимни ундан,  
«Айбим олгандирсан менинг узугим!»



Шу дам буюрдилар жаллодни чорлаб,  
Узукни ушлаган кўлим чопишин.  
Олиб юрди мени халқни оралаб.  
Бу узук ўғриси кўринг оломан!

Жарчи хукм ўқир кўзда ёш билан,  
Менинг хаёлимда бағритош сулув.  
Шу дамда қутқарди мени оқ илон,  
Уйғондим қалбимда қайғу ғам билан.

Бу не синоатдир, бу қандоқ ҳолат,  
Тушда ҳам гоҳ тухмат, гоҳда адолат.

### **ЎЗИМ**

Муҳаббатнинг ўтида куйиб,  
Олов бўлган, кул бўлган ўзим.

Ишқ боғининг ичида якка,  
Ковжираган гул бўлган ўзим.

Муҳаббат у юрак бўлса гар,  
Ичидаги қизил қон ўзим.

Ишқ куйдирса тандаги жонни,  
Тан ичида куйган жон ўзим.

Ўз-ўзини ишқдан куйдириб,  
Ўзи гадо, ўзи хон ўзим.





## ИШҚ КАДРИ

Бир қабр бор узокдан яққол,  
Кўринмайди, бир ўзи якка.  
Боргим келар қабр ёнига,  
Яқинмикан билмай юракка.

Кейин сўрдим мен. Ўша қабрда,  
Кўмилган ким айтинг азизлар?!  
Улар айтди: Одам қабримас,  
Кўмилган ишқ, сўнган юлдузлар.

Мен ўйладим ўлтириб бир оз,  
Балки мени ишқ юлдузим ҳам.  
Кўмилгандир, балки шу ерда,  
Балки бордир шунда мужассам.

Нега бу қабрга боргим келганин,  
Англадим мен ўшанда дарҳол,  
Мен йиғлайман қабр устида,  
Кел, ишқ юлдузим, энди қайтақол.

Садо бермас ишқим қабрда,  
Қабр эса ёлғиз адирда.  
Мен адирда юргайман фақат,  
Ишқим қайтар энди муҳаббат.

Сенинг учун кезганман ҳалак,  
Ҳижрон кўчасида тентираб ўзим.  
Мултирайман ўзим йўлларга,  
Тушарми деб ишқимга кўзим?!





## ОНАЖОН

Сизга бўлган ишқим бир олам,  
Ва кўнглимда зўр бир ҳаяжон.  
Байрамингиз муборак бўлсин,  
Бахтимга, соғ бўлинг онажон!

Пойингизга бошимни қўяй,  
Юрагимдан меҳрингиз туяй.  
Қўлларингиз тутиё қилай,  
Бахтимга, бор бўлинг онажон!

Сизга келган балога ўзим,  
Кундалангман, ҳушёрдир кўзим.  
Майли қаро бўлсин бу юзим,  
Бахтимга, соғ бўлинг онажон!

Азиздирсиз сиз менга доим,  
Мен юлдузман, сиз қуёш-ойим.  
Эркалайсиз мулойим,  
Бахтимга, соғ бўлинг онажон!

Саккизинчи март куни мен бир,  
Тилак ёздим бўлди узун шеър.  
Яратганга айтаман шукур,  
Бахтимга, соғ бўлинг онажон!

Байрамингиз бўлиб баҳона,  
Мадҳингизга шеър битдим она.  
Тилагим бор якка ягона,  
Бахтимизга, соғ бўлинг она!





## КАБУТАР

Кабутар жон кабутар,  
Уча қолгин осмонга.  
Ўзбекистон шонин ёй,  
Ушбу ёруғ жаҳонга!

Айтгил олам аҳлига,  
Биз тинчликда яшаймиз.  
Жаннатмакон диёрда,  
Меҳнат нонин ошаймиз.

Барча ирқи миллатни,  
Дўст биламиз ҳар қачон.  
Мустақилмиз қадди тик,  
Ёрдир эътиқод-имон.

Кабутаржон, кабутар,  
Элчи бўлсанг бирликка.  
Шодлик қувонч ёйилсин,  
Ҳеч не етмас ҳурликка.





## ПЎЛАТИ

Туғилиб илк бора нафас олганим,  
Сендан бошланади менинг ҳаётим.  
Вужудимга кирдинг, сен Ватан бўлиб,  
Пўлати қишлоғим - сенга баётим.

Шодон болалигим бугун хотира,  
Олға босаяпман фарзанд бўлай деб.  
Аждодларим руҳи қўлласин доим,  
Ўқияпман эзгу ишлар қилай деб.

Жуманиёз Жаббор каби шеър битиб,  
Мадҳингни куйламоқ орзуси қўймас.  
Сен Озод юртимнинг битта гулшани,  
Термулиб ҳусningа кўзларим тўймас.





## МУҲАББАТ

Ташқари қаҳратон, изғирин шамол,  
Лек юрак ўртаниб ёнади фақат.  
Қаҳратон қаҳридан қатрон оламда.  
Дилларга тафт берар, боқий муҳаббат.

Муҳаббат эҳсони висоли, фироқ,  
Ҳар икки ҳолда ҳам яшашга ундар.  
Кимдир ишқдан сармаст, ўзга ҳижрондан,  
Лиммо-лим қадахни лабига тутар.

Мен эса хоҳлайман фурқат бўлмаса,  
Муҳаббат билмаса асло хиёнат.  
Ҳар ким ҳаётда ёниб яшаса,  
Ахир умр қисқа, яшаш омонат.

Табиат қаҳрига дош берган вужуд,  
Армонлар чекмаса, севги ўчмаса.  
Севишган дилларда ёнса аланга,  
Улар бир-бирида тирик кечмаса.



## АЛАМ ҚИЛЯПТИ

Армонларим тинчлик бермайди менга.  
Мендан ўтганини ким ҳам билапти.  
Ўзгалар олдида қаддим эгилди,  
Дўстларим, шу менга алам қиляпти.

Орзу-умидларга кўп берилганим,  
У мени севар деб хўб керилганим.  
Дўстим деб рақибга эҳ, урилганим,  
Отажон шу менга алам қиляпти.

Наҳот муҳаббатга топилмас даъво,  
Ахир у ҳаётбахш роҳатбахш наво.  
Маломат гаплардан етишмас ҳаво,  
Армонли муҳаббат алам қиляпти.

Сотқин дўстларимдан дилимда алам,  
Ким ҳам эшитади қилганим нолам.  
Демасангиз, ота: «Ўзинг тут болам»  
Дардли яшаш менга алам қиляпти.





## РАЙҲОН


Ой сузмоқда осмонларда сайхон оша,  
Нур тушмоқда хоналарга айвон оша.  
Зиё тушмас, зулмат эрур менинг қалбим,  
Ё, тушарми ой нурлари ҳижрон оша?!

Ғам-аламлар мендан нари кетмай қолди,  
Юраккинам ёрни қумсаб фарёд солди.  
Муҳаббатнинг ширин тоти ақлим олди,  
Ёрнинг васли етармикан армон оша?!

Мен яхшилар назарига тушган ўғил,  
Муҳаббатнинг шаробини ичган ўғил.  
Ҳижрон тоғин қайта-қайта қучган ўғил,  
Дардларимни енгажакман дармон оша?!

Ҳар ифорли гул қисмати пайхон эмас,  
Сайхонликда ўсган ҳар гул райҳон эмас.  
Севган гулим Райҳон, асраш осон эмас,  
Ишқи дилда асрагайман имон оша?!





\* \* \*

Ором бермас менга ҳеч,  
Бедор тун хаёллари.  
Ишқ дея чорлар мени,  
Ул малак хилоллари.

Юрак фарёд қилади,  
Нола чиқмас ичимдан.  
Дарддан озод бўлолма,  
Эртами ё кечимдан.

Ўйларим танҳо у,  
Вужуд қақшаб қийналар.  
Томирларда қон эмас,  
Фақат зардоб айланар.

Қалам олсам қўлимга,  
Юрак санча бошлайди.  
Шеърга айтсам ишқимни,  
Ишқ зўр дардга ўхшайди.

Бу ёзишда шоирмас,  
Дардли инсон бўламан.  
Лек барибир ўзимни,  
Албат тутиб оламан.



## ИСТАК

Бир мисрада беролсам беморга малҳам,  
Севишган қалбларга бўлсам ҳамдам.  
Инсон туйғулари унда бўлса жам,  
Бу менинг ниятим, менинг орзуйим.

Бир мисра ёзолсам кўзда ёшларни,  
Инсонга меҳрингиз қалби тошларни.  
Ёмон ўй-хаёлга ошна бошларни,  
Тузатса. Тугатса, менинг орзуим.







## НАСИХАТ

(Анварга)

Эзгуликнинг этагини тут,  
Кувна, яйра ғамларни унут.  
Азоб чекма ҳижрон ғамидан,  
Севганингнинг қайтишини кут.


Мисли тоғда мустаҳкам қоя,  
Садоқатинг этгин ҳимоя.  
Висол абад, фуқатдир қоя,  
Ишқ вужудинг ёқадиган ўт.

Хаёл қилма асло ёмонни,  
Қўлдан бермай ҳеч вақт имконни.  
Парвоз этиб еру осмонни,  
Севганингнинг қайтишини кут.

Бордир йигит бошида савдо,  
Лек бош эгма тик бўлсин гавда.  
Хосил боғлиқ қандайдир навда,  
Муҳаббат бахт беришини кут.

Кучли бўлса ишқий туйғулар,  
Енгиледи ғамлар, қайғулар.  
Жамолиддин сўзи шу бўлар,  
Севганингнинг қайтишини кут.





Умримнинг гуллаган авжи баҳори,  
Қовжираган фасли кузга айланди.  
Қалбимнинг оташин зўр саратони,  
Қишнинг чилласида музга айланди.

Юракдан ниш урган ишқ, муҳаббатдан,  
Аламли, оғриқли ўчмас дард қолди.  
Дунёда хиёнат, алдовлар кўриб,  
Жигар хун, бағир қон кўзларим толди.


Умримнинг гулларга тўла йўллари,  
Хазонрез, янтоқлар чўлга айланди.  
Васли ишқ ҳижрида ёнган юрагим,  
Ахир адо бўлди кулга айланди.

Кўксимни дўстларим ёриб кўрсангиз,  
Юракнинг ўрнида сиқим гул қолган.  
Муҳаббат ўтида ўртанган вужуд,  
Ундан тамом айри, бугун тўл қолган.

### **ОР БЎЛДИ**

Ўйнардим ёшлиқда ҳеч ғамни билмай,  
Ўйинларим энди унут хор бўлди.  
Яширмасман дил сиримни сизлардан,  
Муҳаббатга тўсиқ дўстлар ор бўлди.

Муҳаббатдан кўрган менинг азоблар,  
Ҳижрон сиртмоғидан улкан дор бўлди.  
Киприк ўқларини кўксимга қадаб,  
Ташлаб кетганлари менга ор бўлди.



Кўзимдан ёш эмас оқизган қоним,  
Энди кўрмоқликка кўзим зор бўлди.  
Мени севмоқликдан чеклаганларга,  
Сабабчи бадхулқлик яна ор бўлди.

Орсизликни ор деб сиғинмоқ гуноҳ,  
Шу боис юрагим босган қор бўлди.  
Севганинг ниҳоли кўртақ очмасдан,  
Илдизига болта урган ор бўлди.

Айрилиқ азобин куйлайман куйиб,  
Садолар залворин тортган тор бўлди.  
Мени юлдузимдан жудо айлаган,  
Эгилмас мағрурлик, ўша ор бўлди.

### **МЕҲР БЕР...**

Шухратинг керакмас шоним етади,  
Ноз-неъматинг кўйгил ноним етади.  
Жон берай демагил жоним етади,  
Менга меҳр бергин, бергин муҳаббат.

Дарёлар сувини бурма мен томон,  
Дунё кенглигига сиғмадим гумон.  
Мен боқмасам менга боқмайди замон,  
Оллоҳим меҳр бер, бергин муҳаббат.

Бунчалар бағритош бўлмагин жоним,  
Сени ўйламасдан ўтмас бир оним.  
Ҳижронинг жафосидан зиркирар таним,  
Менга меҳр бергин, бергин муҳаббат.



Гарчи илтижони кўрсамда ёмон,  
Нигоҳим изингдан узилмас ҳамон.  
Сенсиз яшамоқлик бўлганда гумон,  
Азизим меҳр бер, бергин муҳаббат.

Меҳр деб қаршингда турарман хор-зор,  
Ахир мен ишқингда бир телба ночор.  
Наҳот ошиқ ҳижрон шаробин ичар,  
Жонгинам меҳр бер, бергин муҳаббат.

Сендан сўрамайман жумла жаҳонни,  
Оллоҳим пок сақла дил, тил, имонни.  
Шафқатингла асра битта ёмонни,  
Азизим меҳр бер, бергин муҳаббат.





## ДУСТ

Ҳар қачонки ёнингда бўлса,  
Ғамлар кунлар дардингни билса.  
Қувончимдан яйраса кулса,  
Ҳақиқий дўст бўларкан ўша.

Эътиқоди бўлса мустаҳкам,  
Бор йўғингда ҳамиша ҳамдам.  
Хиёнатлар қилмаса бир дам,  
Ҳақиқий дўст бўларкан ўша.

Сирларингни билса сотмаса,  
Оғир онда ташлаб кетмаса.  
Еган тузин набоп этмаса,  
Ҳақиқий дўст бўларкан ўша.

Шон шуҳратинг ўйлаб учмаса,  
Қашшоқликда ортга қочмаса.  
Меҳрин берса, захрин сочмаса,  
Ҳақиқий дўст бўларкан ўша.

Келганида бошингга бало,  
Сенинг билан айласа нола.  
Дардларингга истаса даво,  
Ҳақиқий дўст бўларкан ўша.





## УСТОЗ ШОГИРД

Устоз шогирд муносабатин,  
Кузатармиш доимо Оллоҳ,  
Бугун улар бири-бирини,  
Англай олмай чекар эмиш оҳ.

Гоҳо устоз кўзин луқ этиб,  
Шогирдига баҳони сотса,  
Эътиқодни унутса буткул,  
Ҳар қадамда гуноҳга ботса.

Айрим шогирд устоз сўзин,  
Амал қилмай айласа хато,  
Унда мақол маъноси қани,  
Устоз деган мисоли ота.

Мен истайман устоз ва шогирд,  
Тушинишса доим бир-бирин,  
Шунда алар кашф айлагандир,  
Бу оламнинг синоат, сирин.

Устоз - шогирд орасига ҳеч,  
Тушмаса манфаат, мансаб,  
Ҳатто улар бойлик талашиб,  
Қақшамаса вужуд, ҳам асаб.

Шунда олам яна нурафшон,  
Шунда одам бахтли, омадли.  
Яшаш завқли, беради роҳат,  
Қизлар зебо, йигит қоматли.

## МУНДАРИЖА

Байроқ	3
Амир Темур	4
Оқсарой	5
Отамни асра	6
Савол - жавоб	7
Алам	8
Шамол	9
Тўртликлар	10
Ҳасаддан тўйдим	11
Туш	12
Ўзим	13
Тулпор ва Сулув	14
Миллийликни йўқотманг қизлар	15
Ишқ дарди	16
Дардкаш топмадим	17
Онажон	18
Кабутар	19
Пўлати	20
Муҳаббат	21
Алам қилаяпти	22
Райҳон	23
Истак	24
Насиҳат	25
Сўнган умид	26
Ор бўлди	27
Меҳр бер...	29
Дуст	30
Устоз шогирд	31

**АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР**

**Жамолиддин ОРЗИҚУЛОВ**

**РАЙХОН**

Шеърлар

Техник муҳаррир: И. Тоғаев

Муҳаррир: Т. Саъдуллаев

Компьютерчи: З. Лукмонова

Теришга 15. 06. 2006 йилда берилди. Босишга 20. 08. 2006 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{16}$ . Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табағи 2,03 Шартли буюқ-оттиск 2,04 Нашр босма табағи 2,00. 250 нусхада. 111 -шартнома. № -/- - буюртма. Эркин нархда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006

Қамаши туман босмахонаси МЧЖ да чоп этилди. Гулшаний кўчаси 23 уй.